



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛДИРИЛГАН ИШНИ
PDF В ҚАРОРИ

Учкудук тумани 2022 йил 14 декабрь 4-2104-2201/159-сонли иш

Учкудук туман иқтисодий суди, судья Д.М.Турдиев раислигида, судья ёрдамчиси Р.Р.Джўраев котиблигида, аризачи вакили (06.12.2022 йилдаги 23-06157-сонли ишончнома асосида) иштирокида, аризачи WWWнинг жавобгар WWW масъулияти чекланган жамиятига нисбатан банклардаги ҳисобварақалар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги аризаси бўйича қўзғатилган 4-2104-2201/159-сонли иқтисодий ишини WWW биносида, очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

WWW (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) иқтисодий судга ариза билан мурожаат қилиб, WWW масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) томонидан 2022 йил сентябрь ойи учун солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда солиқ органига тақдим қилинмаганлигини кўрсатиб, солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган бўлсада, жавобгар суд мажлисида ваколатли вакил иштирокини таъминламади. Шу боис, суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 220-моддасининг талабларига мувофиқ ишдаги мавжуд ҳужжатлар низони мазмунан тўғри ҳал қилиш учун етарли деб ҳисоблаб, ишни жавобгар вакилининг иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили, судга маълумотномани тақдим этиб, ариза талаблари ишдаги ҳужжатлар билан тўлиқ ўз тасдиғини топганлиги тўғрисида тушунтириш бериб, жавобгар томонидан ариза судга тақдим этилганидан сўнг ҳам солиқ ҳисоботи тақдим этилмаганлигини айтиб ўтиб, суддан аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд аризачи вакилининг тушунтиришини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантиришни, мазкур тоифадаги низолар бўйича тарафларнинг давлат божи тўловидан озод қилинганлигини инобатга олишни лозим топади.

Аризада баён қилинишича, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда электрон ёки қоғоз шаклда солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилиши белгиланган. Бироқ солиқ тўловчи 2022 йил сентябрь ойи учун солиқ



ҳисоботини белгиланган муддатида солиқ органига тақдим этмаган. Солиқ идораси томонидан солиқ тўловчига хабарнома юборилган бўлса-да, солиқ тўловчи солиқ ҳисоботини тақдим қилмаган.

Шундан сўнг солиқ инспекциясининг солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини ўн кунга тўхтатиб туриш бўйича қарори қабул қилинган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (бундан буён матнда СК деб юришнинг 273-моддасига асосан солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқа на назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари белгилаб қўйилган бўлса-да, WWW масъулияти чекланган жамияти томонидан тегишли тартибда солиқ ҳисоботи тақдим этилмаган.

СКнинг 82-моддасига асосан солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади. Солиқ тўловчи ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этишга ҳақли. Юридик шахс бўлган солиқ тўловчилар ва якка тартибдаги тадбиркорлар солиқ ҳисоботини ўзи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шакллар бўйича электрон ҳужжат тарзида тақдим этади.

СКнинг 111-моддасига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор электрон шаклда солиқ органи томонидан банкка юборилади. Бир вақтнинг ўзида солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида хабарнома сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

1) ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда;

2) солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органининг камералик текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки)



тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

3) солиқ текширувини ўтказаяётган солиқ органларининг мансабдор шахсларини кўрсатилган ҳудудга ёки бинога (бундан турар жойлар мустасно) киришига тўсқинлик қилишда. Солиқ органи мансабдор шахсининг киришига тўсқинлик қилиниши унинг ўзи ва текширилаяётган шахс томонидан имзоланадиган далолатнома билан тасмийлаштирилади. Бундай далолатнома асосида солиқ органи банкдаги қарорлар бўйича операцияларни тўхтатиб туради;

4) солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида.

Шунингдек, аризачи томонидан жавобгарга юборилган солиқ ҳисоботини тақдим этиш тўғрисидаги хабарнома эътиборсиз қолдирилган.

ИПКнинг 66-моддасига асосан иш бўйича далиллар ушбу Кодексида ва бошқа қонунларда назарда тутилган тартибда олинган фактлар ҳақидаги маълумотлар бўлиб, улар асосида суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди.

Шунингдек, ИПКнинг 74-моддасига кўра суд далилларга ишнинг барча ҳолатларини жамлаб, уларни суд мажлисида қонунга амал қилган ҳолда ҳар томонлама, тўлиқ ва холис кўриб чиқишга асосланган ўз ички ишончи бўйича баҳо беради. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан, далилларнинг йиғиндиси эса, етарлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим. Агар текшириш натижасида далилнинг ҳақиқатга тўғри келиши аниқланса, у ишончли деб тан олинади.

Суд мажлисида аниқланган ҳолатлар ва иш ҳужжатларидан, шунингдек, аризачи томонидан судга тақдим этилган маълумотларга кўра, жавобгар солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда солиқ органига тақдим этмаган.

ИПК 222-моддаси учинчи қисмининг тўртинчи бандига биноан ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги арз қилинган талаб қаноатлантирилган тақдирда, иқтисодий суди ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялар қандай шартлар бажарилгунига қадар тўхтатиб қўйилганлиги кўрсатилиши керак.

Қайд этилганларга кўра, суд аризачининг ариза талабини қаноатлантиришни ва Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддаси биринчи қисми 19-бандига кўра, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича аризачи ва жавобгар давлат божи тўлашдан озод этилганлигини инобатга олиб, тарафлардан давлат божи ундирмасликни лозим деб топди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 66, 74, 170, 176-179, 215, 220-222-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111, 138-моддаларини қўллаб суд,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Аризачи WWWнинг аризаси қаноатлантирилсин.



Жавобгар WWW масъулияти чекланган жамиятига нисбатан банклардаги ҳисобварақлари бўйича операция (бюджетга тўловлар, иш ҳақи, нафақалар, шунингдек ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида соғлиқ ва ҳаётга етказилган зарарни қоплаш учун маблағлар бериш ҳоллари бундан мустасно)ларининг чиқарилган қисми солиқ ҳисоботи тақдим этилганга қадар тўхтатиб қўйилсин.

Жавобгар WWW масъулияти чекланган жамиятига хизмат кўрсатувчи барча банклар ҳисоб рақамлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган ҳолатлар жавобгар томонидан тўлиқ тараф этилгандан сўнг, давлат солиқ органи томонидан тақдим этиладиган езма кўрсатмаси (қарори) асосида ҳисобварақлар бўйича операциялар тиклансин.

Ҳал қилув қарори ўн кунлик муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тараф ўн кунлик муддат ичида апелляция тартибида шикоят қилиши (протест келтириши) мумкин.

Судья

Д.М.Турдиев

